

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВА МУХАББАТ ХУСНИДДИНОВНА

**ОЧИҚ КОН ИШЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ
МАҚСАДИДА ПОРТЛОВЧИ БЎЛМАГАН ЯНГИ МАЙДАЛОВЧИ
АРАЛАШМАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоний – 2021

УЎК [622.063.23:622.831:622.13](043.5)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Равшанова Мухаббат Хусниддиновна

Очиқ кон ишлари объектларида фойдаланиш мақсадида портловчи
бўлмаган янги майдаловчи аралашмани ишлаб чиқиш..... 3

Равшанова Мухаббат Хусниддиновна

Разработка нового состава невзрывчатой разрушающей смеси для
использования на объектах открытых горных работ.....21

Ravshanova Mukhabbat Khusniddinovna

Development of a new composition of a non-explosive destructive mixture
for use at open pit mining sites39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works. 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАВШАНОВА МУХАББАТ ХУСНИДДИНОВНА

**ОЧИҚ КОН ИШЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ
МАҚСАДИДА ПОРТЛОВЧИ БЎЛМАГАН ЯНГИ МАЙДАЛОВЧИ
АРАЛАШМАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навои – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1291 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Заиров Шерзод Шарипович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Фарходбек Яркулович
техника фанлари доктори, доцент

Рахимов Дийдор Вахобович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 апрел соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. Навоий давлат кончилик институти мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (66 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. НДКИ ректорати биноси, 1-қават Тел.: 0(436)223-56-90; факс: 0(436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2021 йил 3 апрел куни тарқатилган.

(2021 йил 3 апрел №30 рақамли реестр баённомаси).



Қ.С.Санақулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Алиқулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., т.ф.д., доцент

И.Т.Мислибаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда норуда қурилиш материалларини казиб олишдаги тоғ жинсларини парчалашда, ноўлчам блокларни бўлаклаш, пойдеворларни юмшатиш ва қайта парчалаш ишлари бурғилаб портлатиш орқали амалга оширилади. Мазкур усул, унумдорлиги ва фойдаланиш муддати жиҳатидан яқин 30-40 йил ичида катта қувватлилардан фойдаланган ҳолда қаттиқ тоғ жинсларни парчалашнинг янги усуллари ихтиро этилмагунча, етакчи бўлиб қолаверади. Бугунги кунда тоғ жинсларини портламай парчалаш ҳамда тоғ жинсларини бўлаклаш вақтини камайтирадиган арзон ва сифатли портламай майдаловчи аралашмаларни (ПМА) ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кон ишлари объектларида қўллаш учун 120 дан ортиқ турли хил ПМА композициялари ва қоришмалари маълум бўлиб, уларнинг асосий камчиликлари таркибини мураккаблиги, қўшимчалар сифатида ноёб ва қимматбаҳо моддаларни ишлатилиши, бўлаклаш жараёнини узок вақт давом этишлиги (12-24 соат), қўлланиш шартларининг иқлим ва ҳароратга таъсирчанлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, тоғ жинсларини портламай парчалаш, портламай парчаловчи аралашмани қўллашда шпурларнинг жойлашувини моделлаштириш, оптимал масофани аниқлаш ва маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда тоғ жинсларини бўлаклаш вақтини камайтирадиган арзон ва сифатли ПМА ишлаб чиқариш зарур.

Республикамизда маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда ПМАнинг янги турларини яратиш, парчалаш вақтини қисқартириш ва бир вақтнинг ўзида портламай парчалаш, қоришмаларнинг шпурлардан отилиб чиқишини бартараф этиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, ишлаб чиқаришга энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тоғ жинсларини парчалашнинг статик усуллари қўллаш ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда янги технологиялар ва ПМА турларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури»

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қаттиқ тоғ жинсларини портлатишсиз майдалаш асослари, назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қўйидаги олимлар катта ҳисса қўшганлар, улар Адамович Б.А., Алексеев А.Д., Алимов О.Д., Бабушкин В.И., Байков А.А., Бакка Н.Т., Беляев В.Ф., Васенина Л.Э., Васильев В.В., Галкин В.В., Грамовский Ю.А., Докунин А.В., Долголаптев А.В., Емелин М.А., Иоффе А.Ф., Карасев Ю.Г., Клишин В.И., Кравченко К.В., Красильников К.Г., Кузнецова Т.В., Латышев О.Г., Леконцев Ю.М., Махмудов А.М., Михайлов В.В., Мокрицкая Л.И., Муравин Б.Г., Назаров П.Ч., Никитина Л.В., Никифоровский В.С., Новик А.В., Новикова С.П., Новожилов В.В., Орешкин В.А., Петросов Ю.Э., Рахимов В.Р., Ребиндер П.А., Рибак В.П., Сахно И.Г., Сиверцев Г.Н., Софийский К.К., Хямяляйнен В.А., Черепанов Г.П., Черний Г.Г., Шпинова Л.Г., Шустов Н.В., Эдельштейн Е.И., Costin L., Dugdale O.S., Griffith A., Hanada Mizuo, Hanson W.C., Hirosa T., Irwin G., Kamiaka H., Kavano Toshio, Kobayashi S., Lafuma H., Luts T.I., Mather B., Metha P.K., Orowan E., Weisinger R., Yamadsaki Y. ва бошқалар. Улар механик, кимёвий, юқори частотали электротермик, электрпортловчи, резонансли усулларни ва кенгайдиган материаллар ёрдамида тоғ жинсларини парчалашнинг турли усулларини тадқиқ қилганлар.

Тоғ жинсларини парчалашнинг ушбу усулларини саноатда қўлланилишига кўра зарур ускуналарнинг етишмаслиги, юқори ресурс ва энергия сарфи, жуда паст ишончилиги, таннархини юқорилиги, одамларга хавфли таъсири ва бошқа шунга ўхшаш сабаблари билан чекланган. Ушбу аниқланган камчиликларнинг барчаси қаттиқ тоғ жинсларини парчалашнинг арзон ва импорт ўрнини босувчи материаллардан фойдаланувчи усулларини яратишнинг янги йўллари излашга ундайди. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг истиқболли йўналишларидан бири бу ПМАни қўллаш йўли билан тоғ жинсларини парчалашнинг статик усулидан фойдаланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот режасининг А13-026-сон – «Кўп функционал ноорганик моддаларни олиш учун минерал хомашё ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш жараёнида чиқинди азотли газларни утилизация қилиш технологиясини ишлаб чиқиш»

(2012-2014 йй.), 82-06-сон – «Сирт фаол моддалар ёрдамида портловчи скважиналар бўғзига қумни бириктиришнинг кимёвий усуллари ишлаб чиқиш» (2015 йй.) ва БВ-Атех-2018-37-сон – «Бурғилаб портлатиш ишларини олиб бориш технологиясини ҳисобга олиб карьер бортларини устувор-конструктив қуриш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади очиқ кон ишлари объектларида қўллаш учун маҳаллий хомашёдан тайёрланган портламай парчаловчи аралашмани қўллаш орқали тоғ жинсларини бўлакларнинг статик усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тоғ жинсларини портламай парчалаш бўйича замонавий назариялар ва ғояларни ўрганиш ҳамда портламай парчалаш воситаларнинг турларини таҳлил қилиш;

портламай парчаловчи аралашмани қўллашда шпурларнинг жойлашувини математик моделлаштириш ва улар орасидаги оптимал масофани аниқлаш;

лаборатория шароитида тоғ жинси намуналарини ва портламай парчаловчи аралашмани янги таркибини тадқиқ қилиш;

очиқ кон ишлари объектларида қўллаш учун маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, ПМАни таркибини ишлаб чиқиш;

ПМА янги таркибини қўллаш билан массивдан монолитларни ажратиб олиш ва ноўлчамли блокларни парчалаш усуллари ишлаб чиқиш ва саноатда тадбиқ этиш;

ПМА янги таркибининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида норуда қурилиш материаллари ва ноўлчамли блоклари танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ПМА импорт ўрнини босувчи янги аралашмадан фойдаланиш орқали тоғ жинсларини парчалашнинг статик усули олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда ПМА рецептларини тизимли таҳлили ва синтези, математик моделлаштириш, гидравлик прессида техник тизимлар назарияси, моделлаштиришни интервалли варианты, шпурларда юқори босимни ҳосил бўлиши назарияси ва математик дастурлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шпурлар қаторида узлуксиз дарзликлар ҳосил қилиниши орқали кон массивидан блокни тўғри чизик бўйлаб ажралишининг шаклланишини белгилаб бериш натижасида ПМАни қўллашдаги шпурлар жойлашувининг математик модели ишлаб чиқилган;

ПМАдан фойдаланишдаги шпурлар қаторининг интервали чекланган оралиғининг тоғ жинслари массивидан раво ажраладиган блокларни олинишига имкон яратиши исботланган;

ПМАни қўллашда контурли шпурлар орасида самарали масофани ўзгариши шпур диаметрига, шпур деворига портламай парчаловчи аралашма таъсири остида юзага келадиган сиқилиш кучланишига, Пуассон коэффициентига, тоғ жинсларини чўзилиш мустаҳкамлик кўрсаткичига ва блокнинг деворларини маълум миқдорда силжитиш ҳамда уни очиш учун зарур бўлган қўшимча кучланишларга боғлиқлиги аниқланган;

ПМА таркибининг оптималлаштирилган варианты танланиб, унинг максимал кенгайиши ва гидротациясини тезлаштириш имконини берувчу турли қаттиқликдаги тоғ жинсларини ёрилишига олиб келган ҳамда қўллагандан сўнг 5-8 соат давомида юқори босим ҳосил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташишда, қўллашда ва сақлашда хавфсиз, аҳоли жойлашган пунктлар яқинида, муҳандислик иншоотларига бевосита яқинроқ жойлашган объектларни атроф муҳит учун тўлиқ хавфсиз ва объектларни сақлашни таъминлаш билан бузиш имконини берадиган маҳаллий хом ашё таркибий қисмларидан фойдаланган ҳолда портловчи бўлмаган янги майдаловчи аралашма ишлаб чиқилган;

монолит блокларни шовқинсиз ёриш ва ажратиш, бажариладиган ишлар меҳнат ҳажмини камайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, тоғ жинсларини қазиб олиш ҳаражатларини ва кон ишларининг энергия интенсивлигини камайтириш ҳамда кон ишлари олиб борилиши хавфсизлигини ошириш имконини берадиган портловчи бўлмаган янги майдаловчи аралашмадан фойдаланган ҳолда монолитларни массивдан ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория, полигон ва саноат миқёсидаги экспериментларнинг салмоқли ҳажми, очиқ кончилик ишлари объектларида фойдаланиши учун портламай пачалайдиган аралашма янги таркибини ишлаб чиқиши билан боғлиқ ишнинг асосий ғоясини миқдорий тасдиқлаш ва қониқарли яқунланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган математик модел ва ПМА дан фойдаланганда шпур параметрларининг самарадорлиги назарий асосланганлиги орқали тоғ жинсларининг массивдан равон ажралишининг таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти очиқ кон ишлари объектларида фойдаланиш мақсадида маҳаллий хомашёдан тайёрланган ПМАни қўллаш билан тоғ жинсларини парчалашнинг статик усулини ишлаб чиқиш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Очиқ кон ишлари объектларида қўллаш учун ПМА янги таркибини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида:

маҳаллий хомашёнинг таркибий қисмларидан тайёрланган ПМАнинг янги таркиби «Navoimramor» ХК ва «G`ozg`on Rangli Marmar» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг

2021 йил 15 мартдаги 19/37-сон маълумотномаси). Натижада, ноёб ва қимматбаҳо таркибий қисмларни импорти ўрнини алмаштириш, муҳандислик иншоотлари ва аҳоли пунктларининг бевосита яқинидаги тоғ жинсларини хавфсиз тарзда парчалаш, шунингдек атроф-муҳит учун тўлиқ хавфсизликни таъминлаш имконини берган;

ПМАни янги таркибидан фойдаланган ҳолда монолитларни массивдан ажратиш учун ишлаб чиқилган усули «Navoimramor» ХК ва «G`ozg`on Rangli Marmar» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 15 мартдаги 19/37-сон маълумотномаси). Натижада, бажариладиган ишлар меҳнат унумдорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиниши таъминлаш, кончилик ишлари энергия сарфини ва қазиб олишнинг таннархини камайтириш ҳамда уларни олиб борилишининг хавфсизлик даражасини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Портловчи бўлмаган майдаловчи воситаларни турлари ва тоғ жинсларини портлатишсиз майдалаш тўғрисида замонавий назариялар ва тушунчалар» деб номланган биринчи бобда тоғ жинсларини майдалаш тўғрисида замонавий назариялар ва тушунчалар келтирилган, тоғ жинсларини статик майдалашнинг асосий усуллари берилган, портловчи бўлмаган майдаловчи воситаларни замонавий турлари тавсифланган ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда ПМА турли рецептларининг таҳлиллари олиб борилган.

Майдалаш муаммоларига бағишланган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Гриффитс-Ирвин назарияси муҳандислик ҳисоб-китобларида энг кўп қўлланилади, бу ҳисоблаш учун катта миқдордаги экспериментал қийматларни талаб қилмайди ва битта ёриқнинг ўсиши эвазига майдалашни қониқарли тарзда тавсифлайди. Бу ПМА ёрдамида тоғ жинсларини майдалашнинг муаммоларини ҳал қилиш учун унинг ўрнини асосий тарзда танлашга асос бўлади.

Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмаларнинг асосий афзалликлари – бу бузиладиган объектга динамик таъсирнинг йўқлиги, зарарли газларни ажралмаслиги, товуш ва бошқа тебранишларнинг бўлмаслиги. Усулни амалга ошириш учун қимматбаҳо махсус ускуналар ёки мосламаларни сотиб олиш талаб қилинмайди, бу усул транспорт ва электр жиҳозлари яқинида амалга оширилиши мумкин, шу билан бирга парчаланган объект қисмларининг сочилиб кетмаслиги туфайли уларнинг зарарланиш эҳтимоли бўлмайди.


Ҳозирги вақтда портлатишсиз майдалашнинг кўплаб усуллари маълум, ammo уларни саноат шароитида ишлатиш асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, паст ишончилиги, юқори энергия сарфи, одамларга хавfli таъсири ва юқори нарх билан чекланади. Бу камчиликларнинг барчаси қаттиқ тоғ жинсларни майдалаш учун арзон ва истиқболли усулларни яратиш йўллари излашга мажбур қилади.

Тадқиқотнинг «**Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмаларни қўллашда шпурларни жойлаштиришни математик моделлаштириш ва шпурлар орасидаги самарали масофани аниқлаш**» деб номланган иккинчи бобида ПМА қўллашда контурли шпурлар орасида самарали масофа аниқланган ва тўғри чизикли узлуксиз ёриқларни ҳосил бўлиши учун шпурларни жойлаштиришни математик моделлаштиришни интервалли варианты ишлаб чиқилган.

ПМА қўллаш билан майдаланадиган тоғ жинсларида тўғри чизикли узлуксиз ёриқларни ҳосил қилиш учун шпурларни жойлаштирилишини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Уларни жойлаштирилиши ёриқларни тўғри чизик бўйлаб узлуксиз ҳосил бўлиши қазиб олинадиган тоғ жинсларини тузилиши, мустаҳкамлиги ва кенгайиш даражасига боғлиқ бўлади. ПМА қўллашдан сўнг тоғ жинсларида ёриқлар ҳосил бўлади. Ушбу ёриқлар қўлланиладиган ПМА физик-кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлади. Ёриқлар шпурнинг исталган жойида пайдо бўлиши ва исталган йўналишда ривожланиши мумкин.

ПМА тоғ жинсларида қўлаганда ёриқларни тўғри чизик бўйлаб узлуксиз ҳосил бўлиши муаммоси кўриб чиқилган. Ушбу масалани ечиш алгоритми ва математик моделининг интервалли варианты ҳисоблаб чиқилган ва асосланган, шунингдек теорема исботланган ва шпурларнинг марказида жойлаштириш лозим бўлган чекланган кенглиги бўлган интервалли чизик кўрсатилган.

Қўшни шпурлардан тенг масофада ёриқлар текислигида жойлашган А нуктада тангенциал кучланиш σ_θ таъсирининг натижаси сингари ёриқ ҳосил бўлиши тадқиқ қилинган (1-расм). Ёриқлар ҳосил бўлиши механизмида муҳим аҳамиятлиси қўшни шпурлардаги радиал кучланишлар бўлиб, унга қўшни шпурлардан тенг масофада перпендикуляр кесиб ўтувчи, текисликда геометрик шаклда йиғиладиган ёриқлар эканлиги белгиланган. Ушбу кучланишлар шунингдек ёриқлар текислигида чўзилувчи кучни ҳосил қилади ва магистрал ёриқларни ҳосил бўлишидан сўнг ёриқлар деворларини кенгайтириш учун энергия сарфини билиш зарур бўлади.



1-расм. Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани қўллашда шпурлар орасидаги масофани ҳисоблаш схемаси


Ёриқлар массивда А нуктада чўзилувчан кучланишлар σ_θ таъсири остида пайдо бўлади ҳамда С ва С₁ нукталарда чўзилувчан кучланишлар турли томонларга симметрик йўналтирилган бўлиб, ушбу нукталарда сиқилишга σ_p бўлган радиал кучланишларни геометрик тузилиши натижасида шаклландувчи ҳисобланади (1-расм).

Олиб борилган аналитик ва назарий тадқиқотлар натижасида ПМА фойдаланишда шпурлар орасидаги самарали масофа аниқлаш формуласи ишлаб чиқилган бўлиб, бу тоғ жинслари массивида тўғри чизикли ёриқларни таъминлаш имконини беради:


$$a_k = 0,17d_{ш} \left[\frac{P(t)(0,85 + \frac{\mu}{1-\mu})}{\sigma'_p + \sigma_n} \right]^{2/3}, \text{ м}, \quad (1)$$

бу ерда $d_{ш}$ – шпур диаметри, м; $P(t)$ – портловчи бўлмаган майдаловчи аралашма таъсири остида ҳосил бўлган ва контурли шпур деворига берадиган сиқилган кучланиш, МПа; μ – Пуассон коэффиценти; σ_p – берилган массив учун структуравий сусайиш коэффиценти хисобга олган ҳолда тоғ жинсларини чўзилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси, МПа; σ_h – баъзи катталиклар $h_{ш}$ ва уларни очишда контурли ёриқларни деворига ҳаракатланиши учун зарур бўлган қўшимча кучланиш, МПа.


Бажарилган назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ПМА қўллашда контурли шпурлар орасида масофани ўзгаришини параболик боғлиқлиги шпур диаметрига, шпур деворига портловчи бўлмаган майдаловчи аралашма таъсири остида юзага келадиган сиқилишга бўлган кучланиши, Пуассон коэффиценти, тоғ жинсларини сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси ва блокнинг деворларини маълум миқдорда силжитиш ва уни очиш учун зарур бўлган қўшимча кучланишларга боғлиқлиги ўрнатилган ва формуласи ишлаб чиқилган (2-6 расмлар).




2-расм. Шпур диаметрига боғлиқ ҳолда шпурлар орасидаги масофани ўзгариши




3-расм. ПМА таъсири остида шпур деворига юзага келадиган сиқувчи кучланишга боғлиқ равишда, шпурлар орасидаги масофани ўзгариши



4-расм. Пуассон коэффицентиға боғлиқ равишда шпурлар орасидаги масофани ўзгариши



5-расм. Берилган массив учун структуравий заифлашиш коэффиценти хисобга олган ҳолда тоғ жинсларини чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасига боғлиқ ҳолда шпурлар орасидаги масофани ўзгариши



6-расм. Блок деворини маълум масофага қўчиши ва уни очилиши учун зарур бўлган қўшимча кучланишга боғлиқ бўлган шпурлар орасидаги масофани ўзгариши

«Лаборатория шароитида тоғ жинси намуналари ва портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани янги таркибини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда лаборатория шароитида тоғ жинси намуналари ва ПМА янги таркибини тадқиқ қилиш методикаси ишлаб чиқилган, 1А-1000-

ПК русумли гидравлик пресда бир ўқли сиқилишда тоғ жинси намуналарини мустаҳкамлик чегараларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва олинган экспериментал маълумотларни статистик қайта ишлаш натижасида гипс блокининг, керамик ғиштни, мрамар блокни ва шиша идишчасини физикавий ва механик параметрлари аниқланди.

Навоий давлат кончилик институтининг илмий лабораторияси шароитида ПМА тарикбининг оптимал рецептларини қидириш бўйича тажрибалар олиб борилган бўлиб, бу иссиқликни қўшимча ажралишларисиз гидратация жараёнини тезлаштириш имконини беради ва аралашмани қўллашдан сўнг 5-8 соат оралиғида юқори босимни ҳосил бўлишини таъминлаб берди.

Темир бетонни, тош деворларни, тоғ жинсларини майдалаш учун ПМА танлаб олинган, шу билан бирга тиқин материалларини ишлаб чиқариш учун кенгайтирувчи қўшимча аралашма сифатида ҳам ажратиб олинган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида портловчи бўлмаган кенгайувчи аралашмани қўйидаги тахминий кимёвий таркиби танлаб олинган:

CaO – 9-90%;

Mg – 0,97-1,66%;

Fe₂O₃ – 3,4-7%;

SO₃ – 0,33-0,65%;

Al₂O₃ – 1,34%;

SiO₂ – 2%;

Na₂O₂ – 4%.

ПМА 5 та рецептлари тузилган, мас. %:

1) кальций хлориди – 1,0-10,5; кальций карбонати, шакар ишлаб чиқарувчи чиқиндилари – 5,0-20,0; йирик майдаланган сўндирилмаган оҳак – қолгани;

2) алюмин упаси – 0,25-0,30; глицерин – 3,0-15,1; кальцийланган сода – 2,0-9,9; модернизация қилинган техник лигносулфонат (ЛСТМ-2) – 0,10-2,35; куйдирилган оҳактош ва гипсдан ташкил топган калций оксиди – қолгани;

3) калий перманганат – 1,45-9,5; этиленгликоль – 5,0-21,0; бор кислотаси – 0,25-2,7;

4) карбамид – 1,8-23,0; глицерин – 2,6-12,8; куйдирилган оҳактош ва гипсдан ташкил топган калций оксиди – қолгани;

5) НРС-1 аралашма таркиби, «П.П.Будников номидаги Умум Россия қурилиш материаллари ва конструкциялари илмий-тадқиқот институти» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий компоненти (98% гача) куйдирилган йирик майдаланган оҳак ҳисобланади. Сўндирилмаган оҳакни куйдириш махсус конструкциядаги печларда 1400°C дан юқори ҳароратда амалга оширилди. Қўшимчалар сифатида бор кислотаси, кальцийланган сода, кимёвий воситалар – сульфат хамиртуруш пюреси (СДБ) ишлатишган. НРС-1 кукуни, ўзаро 3:1 нисбатда сув билан аралаштирилиб, пастасимон модда ҳосил қилинган, аста секин қотиши натижасида, ўзининг

ҳажмини ошириб, майдаланадиган объектга 50 МПа гача босим ҳосил қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кимёвий таркиблар асосида самарали вариантлари танлаб олинган бўлиб, бунда кимёвий аралашма максимал даражада кенгайиши мумкин ва шиша, гипс моделларини, ғишт ва мрамарни майдаланишига олиб келиши мумкин.

ПМА таркибни самарали рецептларини олиш учун 1-жадвалда келтирилган қуйидаги қийматлардан фойдаланилган.

1-жадвал

ПМА таркибини вариантлари

ПМА таркиби, мас. %				Ўзини кенгайтириш босими, МПа, ўсишида		ПМА шпурдан беихтиёр отилиб чиқиш натижаси
CaO	Na ₂ CO ₃	ЛСТМ	CH ₃ COOH	12	24	
98,40	1	0,35	0,25	48	58	Отилиб чиқиш
96,35	3	0,4	0,25	40	52	йўқ
92,00	6	1,5	0,5	46	57	йўқ
88,00	9	2,5	0,5	38	45	йўқ
85,70	11	2,8	0,5	30	35	йўқ
98,15	1	0,35	0,5	55	69	Отилиб чиқиш
96,10	3	0,4	0,5	44	50	йўқ
91,75	6	1,5	0,75	48	56	йўқ
87,75	9	2,5	0,75	40	47	йўқ
85,45	11	2,8	0,75	32	38	йўқ
97,90	1	0,35	0,75	65	73	Отилиб чиқиш
95,40	3	0,4	1,2	75	82	Отилиб чиқиш
91,30	6	1,5	1,2	70	80	Отилиб чиқиш
87,30	9	2,5	1,2	56	65	Отилиб чиқиш
85,10	11	2,8	0,75	17	25	йўқ
Прототип				60	63	Отилиб чиқиш

Кейинги экспериментал ишларда шиша пенициллин пуфакчалари билан 200 дан ортиқ тажрибалар ўтказилди. Шиша пуфакчаларнинг ёрилиши бўйича такрорий натижаларни олгандан кейингина олдиндан шпурлар бурғиланган гипсли, ғишт ва мрамар блоклар моделлари ишлатилган.

Шунингдек, турли хил композицион материаллар намуналарида лаборатория синовлари ўтказилди ва гипс блоклари, керамик ғиштлар, мрамар ва шиша намуналарида бир ўқга сиқилган мустаҳкамлик чегаралари аниқланди.

Зарур бўлган экспериментал натижаларни олгандан сўнг, уларни статистик қайта ишлаш олиб борилган ва муносиб бўлган физик-механик параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг «Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани янги таркибини ишлаб чиқиш ва саноатда тадбиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хомашёнинг таркибий қисмларини қўллаш билан ПМА янги таркиби ишлаб чиқилган ва саноатда тадбиқ этилган, янги таркибни қўллаш билан ноўлчам блокларни майдалаш ва массивдан монолитларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган, шунингдек ПМА янги таркибини иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ишлари амалга оширилган.


ПМА ҳосил қилиш усули ва янги таркиби ишлаб чиқилган бўлиб, унда қаттиқ (Т) ва суюқ (Ж) таркибий қисмларни алоҳида тайёрланиши назарда тутилган. Қаттиқ таркибий қисми сўндирилмаган оҳакни (СаО) кукунсимон ҳолатга келтириш йўли билан олинади, ҳосил бўлган кукун кальцийланган сода (Na_2CO_3) билан аралаштирилади, сўнгра лигносульфонат (ЛСФ) ва техник тузлар (NaCl) қўйидаги ўзаро нисбатда ҳосил қилинади, масс. %: СаО – 48; Na_2CO_3 – 3; ЛСФ – 3; NaCl – 4.

Очиқ кулрангдаги сочилувчан кукунсимон масса ҳосил бўлади.

Суюқ таркибий қисми қўйидаги компонентларда, масс. %: кир ювиш кукуни – 3; бор кислотаси – 3; глицерин – 5; шакар – 1; сув – 30.

Қаттиқ ва суюқ таркибий қисмлар ўзаро Т:Ж=3:1 нисбатда оқувчан қаймоқсимон массани ҳосил қилгунча аралаштирилади ва қотиб қолмасидан шпур ёки скважиналарга қўйилади. Тоғ жинсларини ёриш вақти атроф муҳитни ҳароратига боғлиқ равишда 6-8 соат оралиқда содир бўлади.

Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашманинг янги турини қўллаш билан массивдан монолитларни ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (7-расм).



1 – монолит блок; 2 – бурғиланган ПМА жойлашган шпур; 3 – ПМА ва ёйсимон металл пластина жойлашган ён томон шпурлар

7-расм. ПМА янги таркибни қўллаш билан монолитларни массивдан ажратиб олиш усули



Ишлаб чиқилган услубга биноан, монолит блокда – 1 диаметри 32-43 мм бўлган шпурлар – 2 ва 3 тўғри бурчак остида ПР-24 перфаратори ёрдамида бурғиланди ва шу тариқа тўғри шаклдаги монолит блокларини олиш ва улардан кейинги фойдаланиш учун қазиб олинadиган поғона 90° бурчак остида шакллантирилди.

Шпур чуқурлиги – 2 ва 3 ажратиб олинadиган монолитни баландлигига ва уни бузилиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Монолитда кутилган ёриқларни ҳосил қилиш ва уни массивдан жуда самарали ажратиб олиш учун шпур чуқурлиги қазиб олинadиган объектни баландлигини ўртача 0,8-0,95 қисмини

ташкил этиши лозим, лекин шпур диаметрини олти қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Шпурлар орасидаги масофа (1) формула билан аниқланади.

Ён томон шпурларда – 3 кучланишни концентратор конструкцияси шакллантириб олинади бунда иккитадан ёйсимон металл пластинкалар жойлаштирилади, металл ёйининг баландлиги шпур радиусини $\frac{1}{2}$ қисмига тенг қўшни шпурлар орасида тахмин қилинган ажралиш текислиги жойида ёй қисмлари бир бирига қараб йўналтирилган ҳолатда бўлади, шпур ва металл ёйни очиқ айлана қисми ораси бурғилаш чиқиндилари билан тўлдирилади, ёйсимон тепа қисмининг орасидаги бўшлиқ ва бошқа барча шпурлар худди шундай ПМА билан тўлдирилади (8-расм).



3 – ён томон шпур; 4 – ёйсимон шаклдаги металл пластина; 5 – портловчи бўлмаган майдаловчи аралашма; 6 – тикин материали

8-расм. Ёйсимон шаклдаги металл пластиналар ён томон шпурларнинг конструкцияси

Кон массивидан монолитларни ажратиш ва уларни мос равишда блокларга ажратиш учун юқорида келтирилган технология бўйича ПМА тавсия этилади.

Монолит блокини карьерни бўшатишга очик юзасига силжитиш аралашмани қотиб кенгайишида юзага келадиган юқори босими таъсири остида содир бўлади, бунда аралашманинг ихтиёрсиз отилиб чиқиши кузатилмайди. Шу тарзда, арқонли кесиш бўйича қўшимча ишларга сарфланадиган ҳаражатлар чекланади ва кон ишларини хавфсиз олиб борилиши таъминланади.

Ишлаб чиқилган «Маҳаллий хомашёни таркибий компонентларидан ташкил топган портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани янги таркибини самарадорлигини текшириш ва саноатда тадбиқ қилиш методикаси» га мувофиқ Навоий вилоятининг Нурота шаҳрида жойлашган «Нурота» мармар конида ПМА олиш усули ва таклиф этилган таркиб саноат тажрибавий синовларидан ўтказилди.

Ишлаб чиқилган услубга биноан, монолит блокда диаметри 43 мм бўлган шпурлар тўғри бурчак остида ПР-24 перфаратори ёрдамида бурғиланди ва шу тариқа баландлиги 1,5 метрдан 3 метргача бўлган тўғри шаклдаги монолит блокларини олиш ва улардан кейинги фойдаланиш учун казиб олинган поғона 90° бурчак остида шакллантирилди

Бу ҳолатда монолит блокини баландлиги 1,7 метр бўлганида шпур чуқурлиги 1,5 метрни, шпурлар орасидаги масофа 25 см ташкил қилди.

Бурғиланган шпурларга ПМА ишлаб чиқилган янги таркиби қўйилди. Саноат тажриба синовлари натижаларида ПМА янги таркиби бўйича қўйидагилар ўрнатилди, уни сақлашда, ташишда ва фойдаланишда хавфсиз. ПМА янги таркибини қўллаш билан монолит блокларни массивдан ажратиш олиш усули бурғилаб портлатиш усулига нисбатан таққосланганда бажариладиган ишлар ҳажмини камайтиришни, атроф муҳитни ҳимоялашни таъминлаб беради, қазиб олиш таннархисини камайтиради, ҳамда кон ишларини хавфсиз олиб борилишини таъминлайди.

ПМА янги таркибидан фойдаланган ҳолда ноўлчам блокларини майдалаш усуллари ишлаб чиқилган ва саноатда тадбиқ этилган.

Ишлаб чиқилган «ПМА янги таркибини қўллаш билан ноўлчам блокларни майдалаш усуллари саноат тажриба ишлари ва тадқиқот ишларини олиб бориш методикаси ҳамда дастури» га мувофиқ норуда қурилиш материаллари конида ноўлчам блокларини майдалашда саноат тажриба синовлари ўтказилди.

Олиб борилган саноат-тажриба ишлари қўйидаги тарзда амалга оширилаган.

Кон массасининг ноўлчам блокларида ПП-63 русумли перфоратор ёрдамида диаметри 43 мм ва чуқурлиги 60 см бўлган шпурлар бурғиланди. Шпурлар орасидаги масофа 25 см ни ташкил қилди.

Кейинчалик цистернада юқорида келтириб ўтилган технологияга асосан ПМА тайёрлаб олинди. Вақт ўтиши билан шпурдаги совиган ПМА кристаллизация бўлиши ва янги бирикмалар ҳосил бўлиши ҳисобига аста секинлик билан кенгайиб боради ва 12 соат ичида шпурлар диаметрини 35-40% га кенгайиши кузатилди буни натижасида улар орасида ёриқлар пайдо бўлишига олиб келди. Натижада ноўлчам кон массалари бўлакларга ажралиши содир бўлди.

ПМА янги таркибини иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди.

ПМА ёрдамида ва бурғилаб портлатиш усулида ноўлчам блокларни майдалашга сарфланадиган ҳаражатлари таққослаш йўли билан ҳисоблаб чиқилди.

ПМА ёрдамида тоғ жинсларини майдалаш усулини қўллашдаги иқтисодий самарадорлик ПМ билан таққосланганда – 5600 сўм/м^3 ; импорт ПМА билан таққосланганда – 41135 сўм/м^3 ни ташкил этади.

Шу тариқа, ПМА янги таркибини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар, уларни натижаларини амалда очик кон ишларида амалга ошириш долзарб илмий вазифаларни ечимида – очик кон ишлари объектларида фойдаланиш учун маҳаллий хомашё таркибий қисмларидан фойдаланган ҳолда ПМА янги таркибини қўллаш билан тоғ жинсларини статик майдалаш усули ишлаб чиқилишида ва илмий асосланишида аҳамиятли хисса қўшиш имконини беради.

ХУЛОСА

«Очиқ кон ишлари объектларида фойдаланиш мақсадида портловчи бўлмаган янги майдаловчи аралашмани ишлаб чиқиш» мавзусида техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ПМАларни қўллаш очик усулда казиб олишда ишлатиш соҳаси, уларни кенгайтиришга қаратилган ечимларни излаш, хусусан, гидратланиш тезлигини назорат қилиш, маҳаллий хомашёни таркибий қисмларидан фойдаланган ҳолда ПМАларни ишлаб чиқариш ва уларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш замонавий кончиликнинг долзарб ва асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашманинг асосий афзаллиги майдаланадиган объектга динамик таъсири йўқлиги, зарарли газларни ажралмаслиги, товушларни ва бошқа турдаги тебранишларни бўлмаслигидир. Усулни амалга ошириш учун қимматбаҳо махсус ускуналар ёки мосламаларни сотиб олиш талаб қилинмайди, бу усул транспорт ва электр жиҳозлари яқинида амалга оширилиши мумкин, шу билан бирга парчаланган объект қисмларининг сочилиб кетмаслиги туфайли уларнинг зарарланиши эҳтимоли йўқ қилинади.

3. Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмаларни қўллаш билан шпур ичида юқори босимни ҳосил бўлишини математик модели ишлаб чиқилди, бу тоғ жинси массивида тўғри чизиқли ёриқлар ҳосил бўлиш имконини беради.

4. Тоғ жинсларида портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмаларни қўллашда ёриқларни узлуксиз тўғри чизиғини ҳосил қилиш вазифалари кўриб чиқилган. Ушбу вазифани ечиш бўйича алгоритм ва математик моделлаштиришни интервалли варианты ҳисоблаб чиқилган ва асосланган, шунингдек теорема исботланган ва скважиналарнинг марказида жойлашиши лозим бўлган чекланган кенглиги бўлган интервалли чизиқ кўрсатилган.

5. Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани қўллашда контурли шпурлар орасида самарали масофани ўзгариши шпур диаметрига, шпур деворига портловчи бўлмаган майдаловчи аралашма таъсири остида юзага келадиган сиқилишга бўлган кучланиши, Пуассон коэффициентига, тоғ жинсларини сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси ва блокнинг деворларини маълум миқдорда силжитиш ва уни очиш учун зарур бўлган қўшимча кучланишларга боғлиқлиги ўрнатилган ва формуласи ишлаб чиқилган.

6. Портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани турли рецептларидан лаборатория тадқиқотлари натижасида энг самарали вариантини танлаб олиш, яъни бунда кимёвий аралашмани максимал кенгайтириш ва иссиқликни қўшимча ажралашишсиз гидратациясини тезлаштириш имконини берган ҳолда турли қаттиқликдаги тоғ жинсларини ёрилишига олиб келиши лозим

ҳамда аралашмани тайёрлагандан сўнг 5-8 соат оралиғида юқори босимни таъминлаши керак.

7. Лаборатория шароитида тоғ жинси намуналари ва портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмани янги таркибини тадқиқ қилиш методикаси ишлаб чиқилган ҳамда 1А-1000-ПК русумли гидравлик прессда бир ўқли сиқилишда тоғ жинси намуналарини мустаҳкамлик чегараларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Экспериментал маълумотларни статистик қайта ишлаш натижасида гипс блокининг, керамик ғишти, мрамор блокин ва шиша идишчасини физикавий ва механик параметрлари аниқланди.

8. Маҳаллий хомашёдан ташкил топган таркибий қисмлардан фойдаланган ҳолда портловчи бўлмаган майдаловчи аралашманинг янги таркиби ва уни ҳосил қилиш усули ишлаб чиқилди ва жорий этилди, бунда қаттиқ ва суюқ таркибий қисмлар ўзаро Т:Ж=3:1 нисбатда оқувчан қаймоқсимон массани ҳосил қилгунча аралаштирилди ва қотиб қолмасидан шпурларга куйилди, яъни бунда қаттиқ (Т) ва суюқ (Ж) композицион таркибларни алоҳида тайёрланишига эътибор қаратилди. Қаттиқ таркибий қисми сўндирилмаган оҳакни (СаО) кукунсимон ҳолатга келтириш йўли билан олинади, ҳосил бўлган кукун калцийланган кукун (Na_2CO_3) билан аралаштирилди, сўнгра лигносульфонат (ЛСФ) ва техник тузлар (NaCl) куйидаги ўзаро нисбатда ҳосил қилинди, масс. %: СаО – 48; Na_2CO_3 – 3; ЛСФ – 3; NaCl – 4. Очиқ кулрангдаги сочилувчан кукунсимон масса ҳосил бўлди. Суюқ таркибий қисми куйидаги компонентларда кир ювиш кукуни, бор кислотаси, глицерин, шакар ва сув қўшиш йўли билан олинади, масс. %: кир ювиш кукуни – 3; бор кислотаси – 3; глицерин – 5; шакар – 1; сув – 30.

9. Монолитларни массивдан портловчи бўлмаган майдаловчи аралашманинг янги таркиби ёрдамида ажратиш усулини жорий этиш натижасида монолит блокларни товушсиз равишда массивдан ажратиш, бажарилган ишнинг меҳнат ҳажмини камайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва тоғ-кон ишларининг энергия интенсивлигини камайтириш ҳамда уларни олиб бориш хавфсизлигини оширишга имкон берди. Импорт қилинган хорижий портловчи бўлмаган майдаловчи таркибларни алмаштириш ҳисобига маҳаллий хомашёдан ташкил топган таркибий қисмлардан фойдаланган ҳолда портловчи бўлмаган майдаловчи аралашмаларнинг янги таркибини жорий этишдан олинган иқтисодий самара ажратилган монолит блокнинг 1 м³ учун 13904 сўмни ташкил этади.

10. ПМА янги таркибини қўллаш билан ноўлчам блокларни майдалаш усули ишлаб чиқилди ва олиб борилган саноат тажриба синовлари шуни кўрсатадики, уни қўллашда шпур ичида юқори босимни ҳосил бўлиши имконини беради, тоғ жинсларини статик майдаланиш ва бўлинишини осонлаштиради, ҳамда иккиламчи майдалаш таннархини камайтиради. ПМА янги таркиби ёрдамида ноўлчам блокларни майдалашга сарфланадиган ҳаражатларини таққослаш ПМ билан таққосланганда – 5600 сўм/м³; импорт ПМА билан таққосланганда – 41135 сўм/м³ ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

РАВШАНОВА МУХАББАТ ХУСНИДДИНОВНА

**РАЗРАБОТКА НОВОГО СОСТАВА НЕВЗРЫВЧАТОЙ
РАЗРУШАЮЩЕЙ СМЕСИ ДЛЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
НА ОБЪЕКТАХ ОТКРЫТЫХ ГОРНЫХ РАБОТ**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.4.PhD/T1291.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Заиров Шерзод Шарипович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Умаров Фарходбек Яркулович доктор технических наук, доцент Рахимов Дийдор Вахобович кандидат технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет им. Ислама Каримова

Защита диссертации состоится 16 апреля 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/30.12.2019.T.06.01 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №66). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГГИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан 3 апреля 2021 года.
(реестр протокола рассылки №30 от 3 апреля 2021 года).



К.С.Санакулов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш.Аликулов

И.о. ученого секретаря научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

И.Т.Мислибаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире разрушение горных пород при добыче нерудных строительных материалов, разделка негабаритных блоков, рыхление фундаментов и вторичное дробление производится буровзрывным способом. Данный метод по производительности и сроком реализации остается лидирующим в ближайшие 30-40 лет и на перспективу, пока не будут изобретены другие способы разрушения крепких горных пород. В настоящее время уделяется особое внимание безвзрывному разрушению горных пород и разработке дешевого и качественного НРС с меньшим расходом времени на разрушение горных пород.

На сегодняшний день в мире известны более 120 различных смесей и композиций НРС для использования на объектах горных работ, главными недостатками которых являются их импортируемость, сложность получения состава, использование в качестве добавок редких и дорогостоящих веществ, длительное время разрушения (12-24 ч), лимитный температурный режим работы, ограниченные условия применения, зависимость от климатических условий. В связи с этим необходимо изучение современных теорий и представлений о безвзрывном разрушении горных пород, моделирование расположения шпуров при использовании НРС, определение эффективного расстояния между шпурами и разработка дешевого и качественного НРС с использованием компонентов из местного сырья с меньшим расходом времени на разрушение горных пород.

